



## АВИАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 апрель кун “Uzbekistan airways” ҳамда “Uzbekistan airports” акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 ноябрдаги фармонида мувофиқ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси негизда иккита — “Uzbekistan airways” ҳамда “Uzbekistan airports” акциядорлик жамиятлари тузилган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қаторида мазкур компаниялар ҳам трансформация қилиниши режалаштирилган. Шу билан бирга, коронавирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий қийин вазият авиация тармоғини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Юртимиз авиакомпанияларини трансформация қилишда асосий эътибор иқтисодий самарадорлиқни оширишга қаратилган. Масалан, “Uzbekistan airways” акциядорлик жамияти харажатларини 46,5 миллион долларга қисқартириш ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг учун компания ва унинг таркибидоги ташиқлотларда иш ўринларини оптималлаштириш, фойдаланилмаётган 12 та самолётни тасарруфдан чиқариш, авиачипталарни хорижда сотиш бўйича агентлар комиссияси фоизини тушириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, даромадларни йилга 40 миллион долларга кўпайтириш мақсад қилинган. Бунинг учун талаб юқори бўлган шаҳарларга чартер парвозларни ва янги йўналишлар бўйича қаро ташувларини амалга ошириш, барча маҳаллий рейсларга онлайн рўйхатдан ўтиш ва жойларни танлаш имкониятини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Янги бизнес стратегиясига кўра, қатновлар гибрид усулга ўтказилиб, тўлиқ хизматлар ва бюджет хизматлар модели бўйича амалга оширилади. Талаб кам бўлган йўналишларда бизнес класс бекор қилиниб, ўриндиқлар сони кўпайтирилади.

Шу йил учинчи чорақдан бошлаб 4 та А-320 самолётида лоукостер, яъни арзон қатновлар ташкил этиш мўлжалланган. Узоқ масофали йўналишларни ривожлантириш учун 3 та А321 NEO LR “ҳаво масаи”ни лизингга олиш, маҳал-

лий авиакатновлар сонини ҳафтасига ҳозирги 17 тадан 49 тагача ошириш режалаштирилган.

Йўловчилар учун қулайликларни ошириш мақсадида соҳани рақамлаштириш, жумладан, “Aerolabs” онлайн хизматлар кўрсатиш тизимини ҳамда мижозлар билан ишлашни бошқариш учун CRM комплексини таъбиқ этиш кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев хизматлар қулайлиги ва сифатини ошириш орқали аҳолини авиакатновларга кўпроқ жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

“Uzbekistan airports” акциядорлик жамияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ушбу жамият таркибиде 11 та аэропорт бор ва уларнинг ҳар бири мустақил фаолият юритмоқда.

Тақдиротга кўра, мазкур аэропортларни ягона бошқарув органи тасарруфиде бириктириш тақлиф қилинмоқда. Молиявий барқарорлиқни ошириш мақсадида, халқаро тажриба асосида, харажатларни 32 фоиздан 15 фоизга тушириш, харидларни оптималлаштириш, аэропорт хизматлари учун йиғимларни 27 фоизга, жумладан, зиёрат туризми доирасида 50 фоизгача камайтириш мўлжалланмоқда.

Даромадларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Тошкент халқаро аэропортида юк терминалини барпо этиб, Европа ва Шарқий Осиё ўртасида транзит ҳажмини ошириш, аэровокзал майдонларини кенгайтириш орқали савдо ва хизматлар тушумини кўпайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ҳар йили ошириб бориш, худудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## САЙЛОВ — 2021

### ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ҒОЯЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ БЎЛАДИ



— Зайниддин Маҳаматович, аввало, Марказий сайлов комиссиясида иш қизғин тус олаётган шу кунларда мулоқотимизга вақт ажратганингиз учун газетхонларимиз номидан самимий миннатдорлигимизни қабул қилин.

— Раҳмат! Ишимиз кундан-кунга қизиб бораётгани тўғриси. Бу — табиий. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, жорий йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа — Президент сайлови бўлиб ўтади.

Бўлажак сайловни миллий сайлов қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юқори ташкилий даражада ўтказиш Марказий сайлов комиссияси олдида турган энг муҳим вазифадир.

Комиссиянинг шу йил 14 апрель кунги бўлиб ўтган мажлиси ана шу йирки сиёсий тадбирга тайёргарлик қўриш маса-

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати.

лаларига бағишланди, уни журналистлар ва блогерлар ҳам бевосита кузатиб борди.

Зеро, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан доимий мулоқот барча даражадаги сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзоларининг бурчи, вазифасидир. Сайловни очиқ, ошқор ва адолатли ўтказишнинг муҳим шартларидан бири ҳам аслида шу. Бу Ўзбекистон миллий сайлов тизимини мустаҳкам қарор топанг энг муҳим иш принципидан биридир.

#### ЮКСАК ТАФАККУР, ЮКСАК ИШОНЧ, ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ

— Марказий сайлов комиссиясининг ўша мажлисида бўлажак сайловга тайёргарлик юзасида тасдиқланган ҳужжатлар ва уларнинг муҳокамаси жараёнида айтилган фикрлар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Эринмасдан санадим, ўша кунларни мамлакатимиздаги ва хориждаги юзга яқин оммавий ахборот воситасида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ушбу тадбир тезкорлик билан ва батафсил ёритилди. Шарҳлар, суҳбатлар ва муҳокамалар эса давом этмоқда...

— Бу Президент сайловига нафақат мамлакатимизда, хорижда ҳам қизиқиш



тобора ортаётганидан яна бир ёрқин далолатдир. Чунки илгор демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топиб бораётган янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқларини, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда кенг таъминлашга қаратилган буюк ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти улкан қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кузатиб турибди.

Президент сайлови юксак сиёсий тафаккур маҳсули — мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топанг илгор демократик ғоялар рўёбининг, Ўзбекистоннинг юксак тараққиётига халқимиз билдирадиган қатъий ишончининг амалдаги яна бир ифодаси бўлади.

Давоми 3-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ МАТБУОТ ХИЗМАТИ БРИФИНГИ

### ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР ҲАФТА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида 19 апрель кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг навбатдаги брифинги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган ҳамда жорий ҳафтада кутилаётган муҳим тадбирлар ҳақида маҳаллий ва хорижлик журналистларга қўшимча маълумотлар берди.

маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати жадал ривожланмоқда. Масалан, 2017 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 28 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 77,5 триллион сўмга етди ва ўсишда давом этмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2017 йилда 28,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 38 фоиздан ошган.

Тақдиротда яна бир лойиҳа — “Янги Андижон” массиви ҳақида ҳам маълумот берилди. Андижон ҳудуди кичик, аҳоли зичлиги эса энг юқори вилоят. Вилоят аҳолиси йилга 2 фоиздан зиёд ўсиб бормоқда. Шу боис, Андижон шаҳрининг ҳозирги ҳудудига тегишмаган ҳолда, унга яқин ерда янги турар жой массиви қуриш режалаштирилган.

Давоми 2-бетда

#### Тошкент саноати таққоси: 2017 йил — 28 триллион сўм, 2021 йил — 77,5 триллион сўм


Таъкидланганидек, ўтган ҳафта ҳам давлатимиз раҳбарининг иш жадавали жуда тизим ва муҳим тадбирларга бой бўлди. Президентимиз ёшлар масалалари бўйича танқидий видеоселектор йиғилиши ўтказди, Тошкент шаҳри

бўйича инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Тақдиротда иккита масала — лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва экспортни кўпайтиришга эътибор қаратилди. Бу йил якунига қадар пойтахтимизда 847 лойиҳани ишга тушириш мўлжалланган. Натижада 33 минг 500 янги иш ўрни ташкил этилади. Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида саноат



## НУРГА ТЎЛСИН БОҒЛАРИНГ, УРГУТ!



Абдусайд КЎЧИМОВ,  
ёзувчи

Ватан остонадан бошланади. Остона — бу ёруғ оламга келиб, биринчи қадамнинг теккан замин. Одам боласи учун жумлаи жаҳонда бундан азиз, бундан мўътабар, бундан муқаддас маскан йўқ. Ургут мен учун ана шундай қутлуғ, қадрли, бебаҳо.

менинг кўксимни ҳам фахру ифтихорга тўлдирди. Мирзо Бобур Ургут жаҳонда камдан-кам учрайдиган гўзал маскан экани ҳақида тўлқинланиб ёганини, XV асрда юртимизда бўлган араб сайёҳи Ибн Ҳовқалнинг: “Самарқанднинг жанубида Шовдор тоғлари жойлашган. Атрофда бу вилоятчилик киши саломатлиги учун тоза ҳаволи маскан, серҳосил экинзор, энг яхши мевазор боғлар йўқ. Кишиларнинг қадди келишган, юзлари ёруғ”, деганини ўқиганда эса ғурурдан қуш бўлиб учгиларим келиб кетади.

Бирок... Минг таассуфлар бўлсинки, шундай мўътабар ва муаззам маскан рус империясига шўро босқинлари замонда оёқости бўлди, топталди, таланди, хўрланди. “Қадди келишган” кишиларнинг қомати букилди, “ёруғ юз”ларидан нур кетди. Улар амал-тақал қилиб кун қуриш, бола-чақа боқиш учун шаҳардан шомга-ча қора терга ботиб ишладилар, аммо чегаланган эски коса оқармади. Оналар

римиз, опа-сингилларимиз 40-45 даража жазирамада тамаки ўтаб, тамаки чолиб, тамаки тизганда, эмизикли чақалоқлари пайкал бошидаги уч оёқли “болалар боғчаси”да “роҳат” қилиб “ором” олди. Энди-энди атак-чечак қила бошлаган гўдақлари эса чап-тупроққа беланиб, оналари орқасидан эргашиб бориб, жуяклар орасида ухлаб қолдилар. Биз, мактаб ўқувчилари қишда пол-шифтиз, пахса деворли синфхоналарда совуқдан қалт-қалт титраб китоб ўқидик, дарс қилдик, шу аллозда мактабни битирдик. Фақат бизникимас, Ургутдаги мактаб боғчаларнинг ҳаммаси шундай абгор, ҳатто бизникидан бешбаттарлари бис-ёр эди. Яъни тумандаги мактабларнинг ярми мослаштирилган, авария ҳолатидаги биноларда жойлашган, боғча ёшидагиларнинг бор-йўғи 13 фоизи боғчаларга тортилган эди, холос.

Давоми 4-бетда





САЙЛОВ — 2021

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ҲОЯЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати.

Бошланиши 1-бетда

Сайловга тайёргарлик жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли юксалиб бораётган ҳамда миллий сайлов тизимини модернизация қилиш ишлари жадаллашган шароитда амалга оширилмоқда.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, ўз олдида мамлакат тараққиётини янги, янада юқори босқичга кўтаришдек буюк мақсадни кўйган янги Ўзбекистонда Президент сайлови бу йил янги миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида ва бутунлай янги шароитда ўтади.

Бунинг учун Ўзбекистонда барча ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилган: умумэтироф этилган асосий халқаро сайлов стандартлари ва нормалари имплементация қилинган миллий сайлов қонунчилиги ҳам, сайлов ўтказиш борасида кўп йиллик миллий тажриба ҳам, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳам бор.

Энг муҳими, халқаро экспертлар эътироф этганларидек, Ўзбекистон раҳбарининг миллий анъаналар ва замонавий демократия ғояларига улкан садоқати, кучли сиёсий иродаси, катта донишмандлик билан узоқни кўзлаб юртаётган аниқ ва дадил сиёсий йўли мавжуд.

Марказий сайлов комиссиясининг 14 апрелдаги мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳақида сўз юритишдан аввал юқоридаги фикрларимизнинг давоми сифатида бир йирик ҳужжатга алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур, деб ўйлайман.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи қафолатларини, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенг таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бу ҳужжат — шу йил 8 февраль кўни имзоланган “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун. Унинг қабул қилинишида ўтган йилларда орттирилган миллий тажриба ҳамда халқаро кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг мақбул тавсиялари инобатга олинган.

**Миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга биноан, энди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилади.**

Шу боис, октябрь ойида ўтадиган сайловга тайёргарлик кўришнинг дастлабки босқичи, яъни сайлов кампанияси эълон қилинганга қадар бўлган даврда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш барча сайлов ташкилотчилари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Марказий сайлов комиссиясининг 14 апрель кунги мажлисида қабул қилинган барча ҳужжатлар орасида Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури алоҳида ўрин тутди.

## ТИЗИМЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА

— Мазкур дастурда белгиланган вази-фаларга батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз. Қолаверса, мажлисда сайловга оид бошқа ҳужжатлар ҳам тасдиқланган эди.

— Беш бўлимдан иборат асосий тадбирлар дастуридан Сайлов кодекси асосида ўтказиладиган Президент сайловига тайёргарлик кўриш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тизимли равишда ва қадам-қадам амалга ошириладиган ишлар илк бор батафсил ифодасини топган. Бажариладиган вази-фаларнинг ижро мuddати ва масъул ижрочилари аниқ белгиланган.

Булар — сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлаш, сайлов жараёни ташкилотчиларини ўргатиш ва малакасини ошириш, сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ва молиявий жиҳатлар, сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, сайлов жараёни даврида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш масалаларига оид тадбирлардир.

Марказий сайлов комиссиясининг шу муносабат билан тасдиқланган ва расмий elections.uz веб-сайтида ўша кунлик эълон қилинган қароридан бўлажак сайловга тайёргарлик кўришга оид энг муҳим вази-фалар белгиланди.

Сайлов кодекси ва сайловга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлигини, сайловга ишончини ва дахлдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни самарали ташкил этиш шулар жумласидандир.

Айни пайтда сайлов ташкилотчилари томонидан бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётида энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ҳамда сайловнинг миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу муҳим сиёсий кампанияда янги Ўзбекистонда сайловчиларнинг, барча фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқарashi, фуқаролик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

**Педагогик малакага эга етук мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, сайлов комиссиялари аъзолари ва ташкилотчиларнинг сайлов қонунчилиги бўйича билимини ошириш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир кўникмаларини тизимли тарзда мустаҳкамлаш ҳам доимий эътибор қаратиладиган муҳим масалалардандир.**

## ЎЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ!

Шу мақсадда барча округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари учун семинар-тренинглар, ўқув машғулотлари, конференциялар, давра суҳбатлари, онлайн мулоқотлар ўтказилади. Зарур рисоалар, видеороликлар, ишчи дафтари (кўпланмалар), инфографик материаллар тайёрланади. Мазрузабозликдан кескин воз кечилиб, замонавий интерфаол усулларга эътибор кучайтирилади. Зеро, ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақлда ҳикमत кўп.

Бундай материаллар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилиб, сайлов комиссиялари аъзоларига онлайн билим олиш имконияти яратилади. Шунингдек, “Call-марказ” фаолияти йўлга қўйилади. Мазкур марказга тушадиган саволларга сайлов қонунчилиги бўйича малакали экспертлар ва мутахассислар тезкорлик билан жавоб беради.

Кенг кўламдаги тушунтириш ишлари сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари, энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш масалаларини қамраб олади.

Таъкидлаш зарурки, сайлов кампанияси жараёнига аралашиб, қонунчилик ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўрилади.

— Сиз қайд этган “сайлов ташкилотчилари” кимлар ўзи?

— Булар, аввало, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари. Зеро, сайловни ўтказиш айнан ана шу бўғин ташкилотчиларидан катта билим ва масъулият талаб этади. Улар сайлов қонунчилигига қиритилган сўнгги ўзгартишлардан яхши хабардор бўлса, ахборот технологияларини амалда бемалол қўлай оlsa, сайловнинг муваффақияти шунчалик тўқис таъминланади. Сайловчилар учун ҳам, кузатувчилар учун ҳам — ҳамма учун қўлай шароит яратилади.

Ушбу тадбирларнинг барчаси пировард натижада сайлов жараёнлари очик ва ошкора ўтишига, мамлакатимизнинг халқаро демократия индексидаги кўрсаткичлари янада яхшиланишига, аҳолининг Президент сайловида фаол иштирок этиши ва юртимиз тақдирини дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Бу сайловда очиклик, ошқоралик ва шафқатлик амалда кенг таъминланиши учун участка сайлов комиссияларидан то Марказий



сайлов комиссиясигача — барча даражадаги сайлов комиссиялари, барча сайлов ташкилотчилари ўз ишини энг илгор демократик принциплар асосида ва юксак ташкилий даражада амалга ошириши талаб этилади.

— Гапингизга қараганда, сайлов комиссиялари аъзолари ва ташкилотчиларнинг билимини оширишга энди педагоглар ҳам жалб этиладиган бўлибди-да?

— Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, сайлов комиссиялари аъзоларини ўргатиш ва тайёрлаш жараёнида сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича берилмаган билимини тингловчиларга етказиш учун етук ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади. Семинарни олиб борадиган тренер одамлар билан мулоқотга киришар экан, нотиклик санъати, педагогик амалиётдан бохабар, аудиторияни ўзига жалб қила олиш салоҳиятига эга бўлиши ҳам зарур. Сайлов комиссиялари аъзоларини бир неча босқичдан иборат “каскад” усулида ўргатиш ва тайёрлашни ташкил этиш учун малакали мутахассислар танлашда ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилади.

## ВАҚТ ҒАНИМАТ

— Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига тайёргарлик кўриш борасидаги асосий тадбирларнинг ҳар қачонгидан пишиқ-пухта ва аниқ белгиланганини сезиш қийин эмас. Аммо ушбу вази-фаларнинг ижроси энди қандай таъминланади? Ахир бунча ишни амалга оширишнинг ўзи бўлмайдими!

— Фикрингиз тўғри. Аввало, белгиланган барча вази-фаларнинг ижроси қатъий назоратда. Дастурнинг ижросини таъминлашда Марказий сайлов комиссияси билан бирга йигирмага яқин мутасадди вази-рлик, ташкилот, агентлик, илмий ва таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этади. Чунки дастурнинг ва мажлисда тасдиқланган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ушбу ташкилотларнинг фикрлари, таклифлари ва ижро масъулияти инобатга олинган.

Марказий сайлов комиссияси қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари, мутасадди вази-рлик ва идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши зарур.

**Кези келди, эслаб ўтаман. Сайлов кодексининг 16-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорларнинг ижроси округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.**

Қайд этишимиз зарурки, сайловга тайёргарлик барча йўналишлар бўйича жадал бошланди. Муаммо чиқса, тегишли вази-рлик, идора ва ҳокимликлар билан биргаликда ўша заҳоти ҳал этиш чоралари кўрилади. Ҳамкорларимиздан бизни қўллаб-қувватлаётганлари учун миннатдоримиз.

Зеро, эндиги вази-фа ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, унда белгиланган тадбирларнинг ижросини собитқадамлик билан таъминлашдан иборат. Чунки Президент сайлови бўлиб ўтадиган жорий йилнинг октябрь ойига вақт жуда оз қоляпти. Амалга ошириладиган ишларимиз эса кўп.

## ПАНДЕМИЯ ВА САЙЛОВ

— Дастурда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлашда пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароит қай даражада ҳисобга олинган? Сўнгги кунларда бу бордадаги ташвишли хабарлар яна кўпайди. Ҳатто Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти корона-вируснинг тарқалиш тезлиги пандемия бошлангандан буён энг юқори чўққисига яқинлашаётгани ҳақида баёнот берди.

— Ўтган йили бутун дунёни забтига олган пандемия таҳдиди мамлакатимизда ўз вақтида қирилган ва кўрилатган изчил чора-тадбирлар самарасида анча сусайган бўлса-да, ундан бутунлай қутулганимиз йўқ. Аксинча, хорижда корона-вируснинг янги штаммлари пайдо бўлиб, жаҳон аҳлини, мамлакатимиз жамоатчилигини ҳам яна жиддий хавотирга сола бошлади. Бундай шароитда санитария-гигиена ва карантин қоидаларига қатъий амал қилмасдан сайловга тайёргарлик кўриш ҳам, сайловни ўтказиш ҳам қийин.

— Айниқса, оммавий тадбирларни ўтказганда.

— Тўғри таъкидладингиз. Сайлов бир кунда ўтадиган йирик сиёсий тадбир. Лекин у кўпчиликнинг сай-ҳаракати билан амалга оширилади. Сайловга оилаб, ҳатто йиллаб тайёргарлик кўрилади. Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига тайёргарлик бўйича асосий тадбирлар дастури ишлаб чиқиши жараёнида пандемия туфайли юзага келиши мумкин бўлган шароит алоҳида ҳисобга олинганини таъкидлашимиз жоиз.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Соғлиқни сақлаш ва Адлия вази-рликлари билан ҳамкорликда пандемия шароитида сайловни ташкил этиш ва ўтказишни назарда тутувчи тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Унда пандемия шароитида сайлов ўтказган хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳам инобатга олинади. Халқимизнинг сихат-саломатлиги ва хавфсизлиги — муҳим.

## ЭНГ ҚУЙИ БЎҒИДАН ЮҚОРИГАЧА

— Сайловга тайёргарлик жараёнини ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида нима-лар дея olasиз?

— Марказий сайлов комиссияси мажлисида асосий тадбирлар дастури билан бирга

комиссия аъзолари томонидан тўртта низом лойиҳаси ҳам батафсил муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Веб-сайтимизда ўша кун эълон қилинди.

Шундай бўлса-да, фурсати келганда алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган бир масалага тақдоран тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — сайлов участкаларини тузиш ва шакллантириш. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йилги сайловда тузиладиган 10 мингдан ортик сайлов участкасида 130 мингдан кўпроқ одам ишлайди.

**Сайлов кодексига биноан, Президент сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкаларини туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдимномаси асосида округ сайлов комиссиялари тузади. Сайлов кодексига участка сайлов комиссиялари сайловга камда 60 кун қолганда тузилиши белгиланган. Лекин бу бордаги тайёргарлик ишларини жойларда кечикмасдан, ҳозирдан бошлаш зарур. Комиссия аъзоларига номзодларни таклиф қилишда ва танлашда эътибор берилмаган муҳим жиҳатлар кўп.**

Сайловчилар ҳам, халқаро кузатувчилар ҳам, энг аввало, участка сайлов комиссиялари фаолиятига қараб сайловга баҳо беради. Овоз бериш жараёни сайлов участкаларида кузатади.

Сайлов участкаларида сайловчилар зарур ахборотларни олиши, эркин овоз бериши учун сайлов қонунчилигида қатъий белгилаб қўйилган барча шароитлар яратилиши шарт.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ДЕМОКРАТИЯ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАН

Аслини олганда, Президент сайлови — қайси ташкилотда ишлашимиздан қатъий назар, сайловни ташкил этувчилар учун ҳам, сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам, журналистлару блогерлар учун ҳам — барчамиз учун гоят катта масъулиятдир.

Президент сайловини барчамиз аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида демократия йўлидан олишмай бораётган янги Ўзбекистонимизда амалга оширилатган дадил ислохотлар бераётган юксак самараларнинг қадрига етиб, ахил-иноқликда, тинчлик-осойишталикда, миллий сайлов қонунчилигимизга риоя қилган ҳолда, муваффақиятли ўтказса, жаҳон ҳам-жамияти олдида ҳам озимиз ёруғ бўлади. Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошади. Одамларимизнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланади. Эл-юртимиздаги кут-баракат бардавом бўлади.

Бу шарафли ва гоят масъулиятли йўлда барчамизга омад ёр бўлсин!



# НУРГА ТЎЛСИН БОҒЛАРИНГ, УРГУТ!

Бошланиши 1-бетда

Аммо бир-бирдан эзгин ва хомуш хотиралар қолганига қарамай, ҳадеб Уругутимга боргим, болагим ўтган чангу тор кўчаларни кезгим келаверади. Шу йил 15 апрель куни мамлакатимиз раҳбарининг Уругут борганини кўриб, Уругут ва уругутликлар меҳнатига берган юксак баҳосини эшитиб, яқингинада бориб келганимга қарамай, яна ичимга чўғ тушди, сигмай қолдим Тошкентнинг сершовкин кўчаларига. Омонқўтон арчазорларида кезгим, Чорчинор чашмаларида самовий қушлар сингари ўйноқлаб сузиб юрган султон балиқларнинг рақсларини томоша қилиб, Қоратепа сув омбори бўйларига ҳаёлларга ғарқ бўлиб ўтигим, ҳиндулар ҳақида дунёга машҳур кинофильмлар тасвирга туширилган Тошбурут ёнида жўраларим билан гурунлашим келиб кетаверди. Давлатимиз раҳбарининг Уругут бўлган эътибори, меҳру муҳаббати қанчалар чексиз ва самимий эканидан хабарим бор. У вилоят ҳокими бўлган йилларда Чорчинор, Ғавсул Аъзам зиёратгоҳлари ва қанчалаб азиз қадамжоларни обод қилиш ишларига шахсан бош-қош бўлгани ва яна ҳаммиша "мен уругутликларнинг кўзларида шиддат кўраман, шижоат кўраман", дея ифтихор қилганини ҳам яхши биламан. Бу гагли сафариди "Уругут" эркин иқтисодий зонаси бунёдкорлари ҳақида айтган сўзлари ҳудди менга қараб айтилгандек руҳи равоини баҳорий насимлар сингари яйратиб, тебратиб, тўқинлантириб юборди. Эҳтимол, шудир Ватан остонадан бошланади, деганлари.

Ешдирсан, қаридирсан, жаҳоннинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиққан алломаю замондирсан, барибир, хар гал кўз очиб кўрган муътабар остонага қадам қўйганда юрагинг кўксинга сигмай ҳақриқади, ичинг ҳаяжондан капалак қанотлари каби титрайди. Самарқандга яқинлашиб, Зарафшон кўпригининг ўтаётганда бошланади менинг вужудимда ана шундай инжа титроқ. Жар гиёҳу хар дарахт аллақандай сирли-сеҳрли шайвалана бошлайди. Дарғомдан охиб, Уругут тупроғига қадам қўйган лаҳзаларда эса булоқ сувидек тинч ҳавосида кийик ўти, ялпиз, зира ҳиди гуркираб аңқиб тургандек яйраб кетади дунё дуним. Тошкент-Термиз йўлининг икки тарафига яшнаб ётган навиқор олмазор боғлар, узумзорларга боқиб тўймайман. Бу жойлар беш-олти йил аввал офтобда ҳарсиллаб ётган қил-яланғоч дашт бўлганини эсласам, қувончимга қувонч қўшилади. Бир учи Оғалиқ тепалиқларига, бир учи Чақилкалон ва Қоратепа тоғларига туташиб кетган боғ-роғлар орасидан ўтган Катта Ўзбекистон тракти Қоратепа, Омонқўтон кишлоқларидан Тахтақорача довоени оша Қашқадарё воҳасига энди кетади. Уругут тумани марказига бориш учун Эттуйлига етмай, катта йўлдан чапга — Кенагас томонга бурилиш керак. Кенагасдан Уругутга 18 километр. Кенагасдан кейинги кишлоқ бизники. Кишлоғимиз билан Уругут орасидаги 16 километрли йўлнинг хар қаричи менга беш кўлда таниш. 5-6-сифда ўқиб юрган пайтимдан бошлаб то ўинчани битиргунча ҳафтада икки марта акам билан гоҳ эшакда, гоҳ эшак аравада шу йўлдан қатнаб, сомон сотганмиз.

Чоршанба ва яқинда кунлари сомон бозори бўларди Уругутда. Оиламиз йиртигига ямоқ бўлсин деб 8-сифда ўқийдиган акам билан бозорга қатнардик. Комбайн ўроғига илинмай қолган буғдойюя — саворани йиғиб, хирмон қилиб уярди-да, эшакларни бир-бирига моташтириб, офтоб тигида савора янчардик. Савора эшаклар тўёқлари остида майда-майда бўлиб кетгандан кейин сомонхонани тўлдирди, қиш бўйи сомон сотардик. Бир қоп сомон 2,5-3 сўм эди. Бозор эрта тонда бошланиб, кун чиқар-чиқмас тугаб кетар, кеч қолмаслик учун ярим оқшом йўлга чиқиш шарт эди. Хар хил тасодифлар бўларди йўлда. Бир гал қишинг аёзли тунда бир гала бўриларга дуч келиб қолдик. Бўрилар пастки Бешлапдан чиқиб, тоғ томонга ўрлаб борарди. Устига тўққиз қанор сомон ортинган аравани жимгина тортиб бораётган эшак қашқирларни кўрибчоқ таққа тўхтади, шалпанг қулоқлари қарнайдай диккайиб кетди, тўрт оёғини олдинга тираб, орқага тисрала бошлади. Халачўп билан урамиз, сўкамиз — қулоқ солмайди! Узимиз ҳам кўрқувдан қалт-қалт титраймиз. Тилим танглайимга ёпишиб қолгандай эди. "Улдики!" дейманки ичиним чирт юмиб ичимда. Бир маҳал акам қўлидаги ўроқнинг орқаси билан арава чарчининг темирига тас-тас уриб, овозининг борича бақириб аллақайси ашулани айтиб юборди, ден! Ашула ашуладан қура кўпроқ йиғига ўшаб кетарди. Худо бир асради — бўрилар, қорни тўқ экан шекилли, биз томонга қараб-қараб, тоққа ўрлаб кетди. Аравамиз йўл четидида чуқурга агнаб тўшай деганда, эшағимиз тисралишни тўхтатди...

“**Яна бир сафар бир ўзим эдим, Мерганча кишлоғига етай деганимда иликчан итлар эшағимни ҳурқитиб юборди. Икки қоп сомонга қўшилиб ерга агнаб тушдим. Эшағим ўзимга ўрганган, эсли эди, қочиб кетмади. Аммо қолларни ортишга кучим етмай, биронта йўловчи келиб қолишини кутукта бозордан қолиб кетдим.**”

Ҳозирги манзаралар қаёқда дейсиз у замонларда? Уйимиз билан Мерганча орасидаги салкам 15 километрли масофада бир туп қайрағочдан бўлак уй туғул чайла ҳам йўқ! Жизилловуқлар жизиллаб ётган қил-қизил дашт. Емгирда лойга, иссиқда чанга беланиб ётувчи кимсасиз кўчада онда-сонда ўтиб қоладиган тиркамали трактор ёки ёнбошига "Молоко" деб ёзилган сут ташувчи эски машина, яқкам-дуккам от-эшақли бозорчилардан бошқани учратиб амри маҳол эди кундуз кунларим. Бугун эса...

Бугун ҳақида гап бошлашдан аввал яна бир ўта жиддий муаммони айтмасам бўлмас... Эътибор беринг, 1978 йили Уругут туманида 140 мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилган. Бу ракам 2005 йилда 350 мингга етди. Ҳозир эса 550 мингдан ошди. Агар 1970 йилда аҳоли зичлиги бир квадрат километрга ўртача 117 кишига тўри келган бўлса, 2002 йилга келиб 300 кишига етди. Бу зичлик шу



“**ШУ КУНЛАРДА "УРГУТ" ЭИЗДА ҚИЙМАТИ 402 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД 84 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ТУМАН ҲУДУДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СОНИ ЭСА 220 ХИЛДАН КЎП. 220 ТУРЛИ МАҲСУЛОТ! ЭҲ-ҲЕ, НИМАЛАР ЙЎҚ ДЕЙСИЗ УЛАР ОРАСИДА. ОДДИЙ ПАЙОҚДАН ШОҲОНА ГИЛАМЛАРГАЧА, ШИФЕРДАН ЕВРОПАЧА ЭШИК-РОМГАЧА, ГИШТ, ШЛАК-БЕТОН ПЛИТАЛАРДАН МУЗЛАТКИЧУ ТЕЛЕВИЗОРЛАРГАЧА, АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИДАН ФАРАНГЛАРНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН АТИР-УПАЛАРГАЧА – ҲАММА-ҲАММАСИ БОР.**”

кунларда қай даражада эканини энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Ер — ўша, сув — ўша, туман худуди ҳам ўша-ўша — бир қадам кенгайган эмас. Янги оилаларга томорқалар ажратиш, уй-жойлар, йўллар, корхоналар қуриш оқибатида фойдаланиладиган, экин экиладиган майдонлар кунма-кун қисқариб борапти. Шу кетишда яна 20-30 йилдан кейин нима бўлади? 50, 80, 100 йилдан кейин-чи? Худога шукур, ҳамма ўзбеклар сингари уругутликлар ҳам болажон — хар йили 15 мингтадан 20 мингтагача янги фарзанд дунёга келяпти! Уругут бунча аҳолини қандай қилиб бағрига сиғдиради? Улар қандай яшаб, қандай ишлаб, қандай ҳаёт кечиради? Энг оғир, энг қийин ва жавоби маъхум саволлар эди яқин-яқингача бундай муаммолар.

Бугун-чи? Мана, энди бугун ҳақида сўзлаш мавриди келди.

Очиги, бугунги эврилишларни кечаги кунлар билан солиштириш... эртак!  
Ҳа, нақ эртакнинг ўзи! Тасаввур қилинг-а? Яқингинада пасту патак чолдеворсифат уйда кун кечирган кампир энди 12 қаватли хайбатли иморатда яшамоқда! Худди "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги Меҳрихон аядек осмонўпар бино айвонидан пастга қараб: "Вой тинчимагур одамлар-эй, нималарни ўйлаб топмайди-я!" деб ҳайратланиб тургандай... Ҳалигина айтувдим, кишлоғимиздан Мерганча овулигача битта қайрағочдан бўлак чайлаям йўқ эди, деб. Ҳозир-чи, ҳозир бир одим бўш жой топиш азоб — ҳаммаси эгалланган, ҳаммаёқда Узарғиш, қурилиш, гир-теварак янги русумдаги боғ-роғлар. Кафтдай текис

асфальт кўчага сигмай кетаётган турнақатор машиналарга, икки ёнда маржондай тизилган кўркам ва шинам уйларга қараб кўнглинг мунаввар тортади: дуконлар, ошхоналар, аҳолига маданий-маиший, автоуловларга техник хизмат кўрсатиш, бензин ва газ қуйиш шохобчалари... Чин шаҳар, ҳақиқий шаҳарнинг ўзи! Айниқса, одамнинг ҳавасини келтирувчи янги типдаги замонавий уйларни айтмайсизми?! Бу иморатлар нафақат намунавий лойиҳалар асосида барпо этилганию кўрку шобобаси, балки яшаш учун қулай ва муқаммал шарт-шароитлари билан ҳам шаҳарниқидан қолишмайди. Икки-уч йил орасида неча юзлаб худди шундай уйлар барпо этилди.

Машҳур "Уругут жаҳон бозори" ҳам шу кўчада. Бозоржой ҳам уч-тўрт йил аввал заранг тошлоқ эди. Фақат Уругут ёки Самарқандда эмас, балки республикамиздаги энг катта бозорлардан бири ҳисобланадиган бу улкан савдо мажмуаси қисқа муддатда барпо этилди. Бир неча минг савдо шобобаси, турли маданий-маиший тармоқлар, банк, телефон, халқро почта бўлимлари, ошхона чойхоналар тўпламидан иборат бозор катта шаҳарлардаги хайбатли гипермаркетлардан қолишмайди: жаҳон меъморчилигининг охириги усуллари асосида бунёд этилган расталарни шаҳарлардаги намунави дуконлардан фарқлаш қийин, бозор ҳавоси кишин-ёзин муътадил. Ҳаммаёқ тоза, озода. Бозор олди гулзор-боғ, кираверишда — катта йўлдагиларга, бозорчиларга халақит бермайдиган кенг майдон, майдонда бир неча юз машина сифатидан автотурагоҳ. Бозорнинг бу ерга "қўчиб" келганига кўп бўлмади. У аввал туман марказида, одамлару машиналар чумолидай қай-

отанлар жуда кўп бўлди. Кейин эшитсак, фармон муносабати билан Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида хуsusий мулк қилиб берилган экан. Фермерлик ҳаракати билан ер ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтди. Деҳқонлар ерга аллаканининг мулки деб эмас, ота-бободан қолган ва болаларимга мерос қилиб қолдирадиган муқаддас бойлик, деб меҳр қўядиган бўлдилар. Ҳосилдорлик кескин ошди Аммо... Кейин кўз тегдим, нима бўлди — билмайман. Бирдангиа текшир-текшир, буйруқбозлик, коррупция уриб кетди. Бунинг устига, газ ҳам, электр ҳам қароқчи талағандай йўқолди. Гангбиз қолдик. Қўлимиз ишдан совиди. Бекорчилар кўпайди. Неча минг йигитларимиз иш қидириб, бегона юртларга чиқиб кетдилар. Лекин, мана, қилса бўларкан-ку!"

Ҳа, бўлар экан.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январь куни "Уругут" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида фармон имзолади. Уругут жа-воҳирга лиммо-лим сандиқ эди-ю, бу ҳужжат ана шу сандиқнинг қалити бўлди гўё. Ростини айтганда, буни кўпчилик сезмас, англамас, фармон Уругут тарихида туб бурилиш ясаваганини ҳали биров билар, биров билмас, билганлар ҳам гоҳ ишониб, гоҳ ишонқирамай гумонсираб турар эдилар. Илло, минг-минглаб азиз фарзандлари қўшни Қозғоғистондан Туркияю Америкагача бўлган давлатларда, хар қилларнинг эшигида хизматкорлик қилиб юрган ота-оналарнинг бир муддат қарахт бўлгани, уларга фармондаги беқиёс режалар бамисоли саробдек жимжимдор кўрингани ҳам бор гап. Руҳи чўкиб, шашти синиб, эртасига ишончи йўқолган кишиларнинг шундай ҳаёлларга бориши нотабиий эмасди. Устига-устак, на газ бор, на электр. Йўллар бўлса бамисоли тухумқоробка, инфратузилма дабдала. Ана шундай шароитда улкан режалар тўғрисида сўзлаш баъзиларга туя ҳаммомни орзу қилгандай туюларди гўё. Аммо ипидан игнасигача ўлчаб, ҳисоб-китобдан кейин эълон қилинган фармон сал ўтмай йиллар давомида юмилиб, кўмилиб қолган чашмаю булоқларнинг кўзларини очиб юборди. Мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, кишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш каби ўта ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги юмушлар қизиб кетди. Фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун дастлаб Уругутдан ташқари Пастдарғом, Нуробод туманлари ҳамда Самарқанд шаҳридан жами 1200 гектардан зиёдроқ ер майдони "Уругут" ЭИЗга ажратиб берилди.

Уругутда ёзилмаган, аммо ҳамманинг вужудига сингиб кетган аъна бор: "Чин раҳбар бўлсанг, худда-беҳуда ишимизга аралашиб, йўлимизга тўғроқ бўлма, ақл ўргатиб, асабимизга тегма, ишлаш учун шароит яратин-у, истаганча талаб қил, ана шунда кўрасан чинакам муъжиза нималигини". Бу сафар айнан шундай бўлди: меҳнаткаш, тадбиркор қўллар қисқа вақтда қиймати 313 миллион долларлик 55 та лойиҳани муваффақият билан амалга оширдилар. 4 минг 328 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Яқинда мазкур фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича яна бир дадил қадам ташланди. Шу йил 13 март куни Вазирлар Маҳкамаси "Уругут" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, туманининг Урамас мавзеси ҳудудидан 50 гектар, Самарқанд шаҳрининг Хишрав мавзесидан 294 гектар майдон "Уругут" ЭИЗга ажратилади. "Уругут" ЭИЗнинг Мерганча ҳамда Сариктепа мавзеларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида туман худудидан ўтувчи қўлчанчилик электр узатиш тармоғидан алоҳида подстанция қурилади. Бу — янги иншоотлар, йўллар пайдо бўлади, янги инвестиция лойиҳалари кириб келади, дегандир.

Шу кунларда "Уругут" ЭИЗда қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Туман ҳудудидида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони эса 220 хилдан кўп. 220 турли маҳсулот! Эҳ-ҳе, нималар йўқ дейсиз улар орасида. Оддий пайоқдан шохона гиламларгача, шифердан европача эшик-ромгача, гишт, шлак-бетон плиталардан музлаткичу телевизорларгача, автомобилларнинг эҳтиёт қисмларидан фарангларниқидан қолишмайдиган атир-упаларгача — ҳамма-ҳаммаси бор. Енгил саноат, чарм-поябзал товарлар, электр техникаси буюмларининг харидорчилигини айтмайсизми? Уругут бренди остида тайёрланаётган кийим-кечақлар нафақат қўшни Тожикистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ёки Россияда, балки Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Америка бозорларини ҳам обод қилаётир.

Шунақа. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар

аста-секин жаҳон бозорларини эгаллаётир. Яратиш, янги марраларни эгаллаш иштиёқи эса кун сайин кучайиб бормоқда. Мебель ва консерва заводлари қаторида юзлаб катта-кичик саноат корхоналари, тикув цехлари, микрофирмалар борган сайин кенгайиб, қанот ёзиб бораётир. Мерганча массивидаги "Katalak Tekstil" корхонаси гиламдан ташқари тафтинг, қовролин, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқараётир. Уларнинг ёнига хар йили яна кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашчи, қадоқловчи кўплаб корхоналар қўшилмоқда. Энг муҳими, барча корхоналар Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция, Германия, Туркия, Хитой каби мамлакатлардан олиб келинган замонавий, энергия тежовчи ускуна, янада мухташам қилиш йўлида астойдил ишламоқда.

Ватан ичидида Ватаним! Бобом, момам, отам, энам, акаларим мангу кўним толган муқаддас тупроқ — Уругутда бугун тарихий эврилиш жараёнлари давом этмоқда.

Каттаю кичик билагини шимариб, белини янаям маҳкамроқ боғлаган. Орзулари осмон қадрар юксалиб, боғлари нурга тўладиган замоналар келганини муқаммал англаб туришибди. Улар азиз маскани Ўзбекистон Швейцариясига, Лас-Вегасига айлантириш иштиёқиди.

Россиядаги "Совкомбанк" бош таҳлилчиси Михаил Васильев Ўзбекистонни "Марказий Осиёнинг янги йўлбарси", дебди. Дунёдаги нуфузли нашрлардан яна бири — Forbesда эса танikli журналист Малик Кайлан ёзибди: "Шавкат Мирзиёев Президент бўлганидан сўнг Ўзбекистонда ҳайратли даражадаги ўзгаришларни амалга оширди". Шундай фидойи қарвонбошини бор экан, Уругутим, сен ҳадемай жаҳоннинг гўзал, одамлари бахтли, фаровон ашайдиган маконига айланасан. Сенинг алпона кудратингга ҳамма ишонди. Ишонмайдиганлар ҳам омон бўлсинлар. Омон бўлсинлар ва сабр билан кутсинлар, кузатсинлар, томоша қилиб турсинлар. Нурланиб, жилоланиб бораётган Уругут боғларининг шавку латофатига гувоҳ бўлиш уларга ҳам насиб этади, албатта. Кабиру кириб кунлар кўп ҳам узоқ эмас.

“**Зотан, Президентнинг кечаги ташрифидан сўнг "Уругут" ЭИЗ улкан холдингга айландиган бўлди. Халқ билдирилган юксак ишонч учун ўз йўлбошчисини олқайди. Ўз Президентининг ишончини оқлаш учун қалқинишлар қошида бўронлар ҳечдир, тўзонлар ҳечдир, довулар ҳечдир.**”

— Яхши биласиз, мен умри мактаб-маориф ичидида ўтаётган кекса муаллимман, — дейди Қўдус ўртоғим. — Бир зиёли сифатида атрофда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳоли қудрат кузатиб келаман. Шуру замонда Брежневидан Горбачёвигача бўлган раҳбарларни кўрдик. Ҳозир ҳам давлат бошлиқлари фаолиятига безъятиб эмасман. Қўблага қараб айтманки, ўзимизнинг Президентдай меҳнаткаш раҳбар оламда бўлмас керак! Россия Президенти Путин жаноблари ҳам бизга таассуб қилиб, энди-энди селектор йиғилишлари ўтказишни бошлади. Лекин ҳайрон қоласанки, шундай қарвонбошининг қадрига етмайдиган, юмушларимизни менсимай, пач уришга тиришадиган кимсалар бор экан. Ижтимоий тармоқларда гоҳ-гоҳ кўзим тушганда, тўғриси, ичим ачийди, раҳимим келади ўшаларга. Ростини айтмайми, Уругутда Учинчи Ренессанс бошланиб кетди. Фақат шиддатли ўсишлар қуршовида ўзимиз сезмаёмиш ҳали буни.

Дўстимнинг хулосаларида чин ҳақиқат мужассамдек туюлди менга. Фақат ростдан ҳам сершиддат юмушлар тўғрисида ўзимиз англамаётган бўлишимиз мумкин.

Аммо бу — Уругут жаннатий манзилга айланиб кетди, дегани эмас. Ундай эмаслигини яхши биламиз. Яхши биламиз: туманда кўзлари тўрт бўлиб ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали-ҳозирча оз эмас. Уларни ҳал қилмоқ учун қанча куч, қанчадан-қанча маблағ зарурилик ҳам эъ ҳақиқат. Аммо, шоир Чўлпон айтганидек, "Халқ тўлкиндир...". Тўлкин эса йўлидаги тўсиқларни пинсад қилмайди, ювиб ташлайди, оқизиб кетади.

Қисқа сафардан қайтаётиб, Дарғом кўпригиндан ўтгандан сўнг йўл четидида тепаликка кириб, олам-жаҳон таассуротлар оғушида бир муддат Уругутимга тикилиб ўтирдим. Ва беихтиёр:

— Нурга тўлсин боғларинг, Уругут! — дея ҳайқиргим келиб кетди.

ПРЕСС-ТУР



# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ:

янги иш ўринлари яратилади, туризм ва савдо ривожланади

Башорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтисодийда давлат улушини қисқартириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 февралдаги "Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги фармони муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармон билан давлатнинг бир қатор йирик активларини хусусийлаштириш белгиланди.



чалар, мовий осмон, зилол сувли чашмалар инсон руҳига ором бахш этади.

46,1 гектар майдондан иборат мажмуа худудда 19 коттеж, 38 хонадан иборат меҳмонхона, 80 ўринли 2 та ресторан, 3 та бар, ёзи ва қишки бассейнлар, 2 та анжуманлар зали мавжуд. Мажмуа бир вақтнинг ўзига 200 дан ортиқ меҳмонни қабул қила олади. Худудда, шунингдек, биринчи тиббий ёрдам шохобчаси, бадминтон ва 2 та теннис корти ҳам бор.

"Кумбел" чанги йўлагининг "Белдирсой" мажмуасига яқин жойлашуви унинг қийматини янада оширади. Буюк Британиянинг The Observer нашри Белдирсой тоғ-чанги курортини дунёдаги экстремал чанги ва хели-чанги учун энг яхши жойлар рўйхатига киритган.

Бўстонликнинг ноёб худудларидан яна бири — Сижак дам олиш маскани. Денгиз сатҳидан 959 метр баландликдаги мазкур мажмуа пурвиқор тоғлар қўйнида жойлашган. Ям-яшил водий ҳамда йирик Пском дарёси худуднинг жозибдорлигини янада оширган. Худуднинг табиий ландшафти туризмнинг барча йўналишини ривожлантириш учун аини мўддао.

Мажмуа умумий майдони 5,4 гектар. Худудда меҳмонхона, ресторан, кинотеатр, барлар, дискотека майдони, бир нечта очқ ва ёпиқ бас-

сейнлар, сауна ва массаж хонаси, спорт зали, коттеж ҳамда сув минораси мавжуд. Ойнаванд меҳмонхонадан ташқарига қарасангиз, водий ҳамда дарё ястаниб ётибди. Муҳташам рождан янграган оҳанг табиатнинг сеҳр ва сирга тўла жозибаси билан уйғунлашади. Айлана атроф оқ қайинлар, декоратив дарахлар, арча, турли-туман лола ва тоғ гуллари билан қопланган.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари Бўстонликнинг яна бир туризм салоҳияти юксак гушаларидан — Қизил сув қишлоғида жойлашган "Қизил сув" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ҳам бўлди. Умумий майдони 5,9 гектардан иборат мазкур мажмуа бир вақтнинг ўзига 110 нафар меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда 2 та ётоқхона, 8 та коттеж, овқатланиш хонаси, анжуманлар зали, бильярд хонаси, мини-футбол майдони, иккита сузиш ҳавзаси, автотурагоҳлар ва биринчи тиббий ёрдам пункти мавжуд. Аини пайтда мазкур мажмуа аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Булардан ташқари яна 5 та объект — "Пойтахт" бизнес мажмуаси, собиқ "Газеталар ишлаб чиқариш мажмуаси" биноси, "Маъмурий бино" (собиқ Республика биржаси маркази), Сайилгоҳ кўчасида жойлашган бўш турган бино, "Малика" савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда Ичан-Қалъа меҳмонхонаси сотувга қўйилган.

— Тошкент вилоятида 2021 йил ичида 80 та давлат активи сотилиши режалаштирилган, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Камолiddин Тоирбеков. — Жорий йилнинг дастлабки 3 ойида "E-AUKSION" веб-сайти орқали 38 та актив сотилди, шу жумладан, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан хусусийлаштирилди. Уларни ишга тушириш натижасида 51 миллиард сўмлик инвестиция қилиниши ва 320 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши белгилаб олинди. Давлат активларини бошқариш агентлиги оммавий савдо-ларда иштирок этиш учун қўлай ва жозибador таклифларни 2021 йил 30 апрелгача қабул қилади. Сўнг объектларни тадбиркорларга бериш масаласи кўрилади.

Объектлар сотилиши янги иш ўринларини яратди. Мамлакат туризм ва савдо салоҳияти ошади. Бу эса мамлакат иқтисоди ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

# “Баркамол авлод” болалар мактаблари – ёшлар учун янги имконият

Севара МАҲМУДОВА, Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби директори



Ўзбекистон ёшлари бугунги кунда мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг қўламли ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси сифатида майдонга чиқмоқда. Ёшлар ўз билим ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун эса замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга янги ташаббуслар, изчил чора-тадбирлар татбиқ этилмоқда.

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва дунёқарашга эга, Ватанимиз тақдирини ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлоднинг тарбиялашда “Баркамол авлод” болалар мактабларининг ўрни беқиёс. Шу боис, Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан республикамизда фаолият юритаётган “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қатор тизимли вазифалар белгилаб берилган.

Жорий йилнинг 13 апрель кунини ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз яна бир бор “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини янада кучайтириш зарур. Бу борада республика бўйича мавжуд 215 та “Баркамол авлод” болалар маркази имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш керак. Бугунги кунда “Баркамол авлод” болалар марказлари бор-йўғи 175 минг нафар (3 фоиз) ёшни қамраб олган.

Шу боис, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўн кун мўддатда “Баркамол авлод” марказларида замонавий тўғарақлар очил ва ҳар бир мактабда уларнинг тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни камида 3-5 баравар ошириш бўйича режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Бу вазифалар, ўз навбатида, худудлардаги ҳокимликлар билан бирга “Баркамол авлод” болалар мактаблари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳозирги кунда “Баркамол авлод” болалар мактабларида 7 йўналишда 65 номдаги 6 минг 218 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Маданият ва санъат йўналишидаги тўғарақларда 28 минг 647 нафар, техника, конструкторлик ва моделлаштириш йўналишида 27 минг 617 нафар, жисмоний тарбия ва спортда 11 минг 594 нафар, хунармандчилик ва қўл меҳнати йўналишида 60 минг 145 нафар, туризм ва экология йўналишида 25 минг 924 нафар, олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов курсларида 9 минг 543 нафар, ҳорижий тиллар йўналишида 11 минг 595 нафар, жами 175 минг 65 нафар ўқувчи-ёш қўшимча билим оляпти, хунар ўрганапти. Уларнинг 3 минг 691 нафарини имконияти чекланган, 369

нафарини ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турадиган ўқувчилар ташкил этади.

“Баркамол авлод” болалар мактабларининг барчаси вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган бўлиб, уларга асосан ушбу худуддаги ўқувчилар жалб этилган.

Президентимизнинг: “Бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарқатадиган куролга айланмоқда. Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли гоёлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келяпти. Соат сайин эмас, минут сайин кириб борапти. Буларнинг барчаси биз учун оғоҳлик кўнгириғи бўлиб янграши зарур”, деган фикрлари замирида катта ва чуқур маъно бор. Бу, ўз навбатида, “Баркамол авлод” мактаблари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларга мактабдан ташқари вақтларида қўшимча билим ва кўникмалар бериш, маданий-маърифий тадбирлар орқали навқирон авлодда турли ёт гоёларга қарши иммунитетни шакллантириш, оммавий маданиятнинг турли кўринишларига эргашишнинг олдини олиш, соғлом фикрловчи, ўз нуқтаи назарига эга бўлган ёш авлодини тарбиялашда “Баркамол авлод” болалар мактаблари ҳам масъул саналади.

Президентимиз белгилаб берган вазифалар “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни ечишга қаратилгани билан аҳамиятлантириди. “Баркамол авлод” мактабларига узоқ йиллар эътибор берилмагани сабабли улар фаолиятида анча муаммо ва камчиликлар тўпланиб қолгани сир эмас. Ушбу масалаларга ечим топишда ҳокимлар жалб этилгани, албатта, қувонарли ҳол. Бу худудлардаги “Баркамол авлод” болалар мактабларидаги тўғарақлар шариотини яхшилаш, ўқувчи-ёшлар қамровини ошириш, турли маданий тадбирларни кўпайтириш имкониятини янада кенгайтиради.

Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби бундай эътибор ва имкониятдан самарали фойдаланади. Мактабларда замонавий тўғарақлар ташкил этилади, янги ўқув дастурлари тайёрланади, ҳар бир ўқувчи-ёш билан индивидуал тарзда ишланади. Истеъдодли болаларни кашф этиш, уларга қўшимча билим ва кўникмалар бериш, замонавий касб-хунарга йўналтириш жамиятда уларнинг ўз ўрнини топишига йўл очди.

КУН МАВЗУСИ

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари доктори

# Ҳар ким ўз саломатлигига масъулият билан ёндашиши шарт

Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилатганига қарамай коронавирусга чалиниш ҳолатлари кескин оша бошлади.

Шу муносабат билан 17 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигида коронавирусга қарши кураш комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таъкидланишича, йил бошида республикамиз бўйича кунига 15 та шундай ҳолат қайд этилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич кескин кўпайди. Инфекцияни юктириш ҳолатлари 6-7 фоиз олий таълим муассасаларида ва 11-15 фоиз умумий ўрта таълим муассасаларида қайд этилган.

Республикамизда бир кунда коронавирусга чалинганлар сони йил бошидан буён илк марта 300 дан ошмоқда. Бу эса ҳаммамизни янада ҳушёрликка ундайди. Коронавирус инфекцияси дунёнинг барча давлатларига тарқалиб улгурган

нига 1 йилдан ошди. Ўтган шу даврда бу касаллик дунё бўйича 3 миллиондан ортиқ инсонни ҳаётдан олиб кетди, ундан тузалганлар организмда эса турли асоратлар қузатилмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир давлат бу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини, яъни профилактика, даволаш ва реабилитация ишларини амалга оширмоқда. Афсуски, коронавирусдан тўлиқ тўзатадиган дори воситаси ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Ҳозирча ягона имконият вакцина бўлиб турибди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан республикамизда ҳам коронавирусга қарши вакцина қабул қилиш ишлари бошлаб юборилди. Аини пайтда ҳавф гуруҳига кирувчиларни эмлаш бошлангани хотиржамлигимизга асос бўла олмайди, албатта. Коронавирусга қарши юқори даражада иммунитет ҳосил қилиш учун 21–26 кун оралигида 2 ёки 3 марта эмланиш талаб этилади.

Эмлаш орқали биз бу касалликни назорат қиламиз, энгамиз деб умид қиламиз. Лекин бу касалликка чалиниш ҳолатлари кўпайиши аҳолининг ўз саломатлигига масъулият билан ёндашмаслиги, карантин қоидаларига эътиборсиз ва бефарқ қараётганидан далолат беради. Кўчага



чиқсангиз, гўёки касаллик йўқдек, ҳаммаси ортда қолгандек, одамлар бамайлихотир, карантин қоидаларига риоя қилмасдан юрганининг гувоҳи бўласиз. 200-400 кишилик тўй ўтказётганлар ўзлари билиб-билмай ноҳуш вазиятга сабаб бўлиши мумкинлигини уйлашмаяпти. Унутмаслик керак, бу инфекция шу даражада маккорки, олимлар бу борада қанча кўп ишлаган, янги вакциналар, дори воситаларни яратилмасин касалликка аниқ чора бўладиган усул топилгани йўқ. Янги-янги штаммларнинг пайдо бўлаётгани тиббиётда ҳам мураккабликларни юзага келтирмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда “британча” штамм болаларда ҳам учраётгани ва аҳоли орасида кенг тарқалётганини инкор эта олмаймиз. Аинан ёпиқ хоналарда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда касаллик тарқалиш хавфи ортади. Афсуски, аҳоли ўртасида белгиланган карантин қоидаларига кўп ҳолларда риоя қилмаслик оқибатида касалликнинг тарқалиши тезлашиб, оғир ва ўта оғир ҳолатга тушаётган беморлар борлиги қайд этилаётёр.

Дейлик, “британча” штаммга чалинган, аммо касаллик аломатсиз кечаётган бе-

мор 100-200 нафар одам тўпланган жойга кириб қолса, ўзи билмаган ҳолда шунча одамга юктиради. Касалликнинг ундан кейинги тарқалиш кўлами бир неча баравар ошиб кетади. Шу боис бу ўта хавфли касаллик батамом бартараф этилгунга қадар хотиржамликка асло берилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 18 апрелдан карантин қоидаларига амал қилинишини янада кучайтириш белгиланди. Жумладан, боғча ва мактабларда касалланиш ҳолати аниқланган тақдирда, уларнинг қолиятини зудлик билан тўхтатиш ва 2 ҳафта карантинга олиш кераклиги айтилди. Ушбу вақт мобайнида улар онлайн тартибда фаолият юритади. Йирик савдо марказлари ва бозорларда, дўконларда карантин қоидаларига қатъий амал қилиниши, жумладан, қўлларни антисептик воситалари билан зарарсизлантириш, аҳолининг тиббий ниқоб тақшиши, ижтимоий масофа сақлаши қатъий назорат қилинади.

Йиғилишда аини Рамазон ойида таровец намозларини очик худудларда адо этиш, ифторликларни имкон қадар оила даврасида ёки 100 кишидан ошмаган ҳолатда ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга 1 майдан бошлаб, турли концерт ва томоша тадбирларини ёпиқ масканларда ўтказишда қатор чекловлар белгиланди.

Ортдошларимиз карантин қоидаларига жиддий риоя қилиш билан бир қаторда белгиланган тартибда вакцина олиш, яъни эмланишни ҳам унутмаслик керак. Турли хил шамоллаш аломатлари кузатишганда зудлик билан патронаж ҳамшираси, оилавий шифокор ёки тез тиббий ёрдамга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Коронавирус инфекциясига чалинган ҳолатларда даволанишдан сўнг доимий шифокор назоратида бўлиш, кейинги асоратларнинг олдини олиш, ўз вақтида реабилитация тадбирларини ўтказиш ҳамда карантин қоидаларига риоя қилишда давом этиш энг муҳим восита бўлиши шарт.

Ниқоб тақши, ижтимоий масофани сақлаш, қўлларга антисептик воситалар билан ишлов бериш ёки совун билан ювиш ҳамда уйга келганда томоқ ва бурунни уч-тўрт марта илқик сувида чайиш, кунига 3-4 литрдан ортиқ суюқлик ичиш лозим. Бу каби чоралар орқали коронавирус инфекциясидан нафақат ўзимизни ҳимоя қиламиз, балки бу касалликнинг хонадонимизга кириб келишининг олдини олган бўлаемиз.

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

## Армонларимиз юксак мақсадларга айланмоқда

Кутлибека РАҲИМБОЕВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ёшлик инсон умрининг энг гўзал даври. Жўшқинлик, ҳаётни бенқсон кўришга интилиш, катта талабу даъволар билан яшаш, ўзини баланд орзуларга чорлаш бу фаслга хос хусусиятидир. Яна ёшлик ўзида кўп нарсаларга қодирлик ҳис қилади. Қўнғлида: “Мен бу ишнинг, албатта, улдасидан чиқаман”, деган ишонч тирик бўлади. Бежиз устоз шоиримиз Рауф Парфи “Ёшлик зангори фасл...” дея таърифламайди. Чунки унда тиниқлик ҳам, жозиба ҳам бор. Бирок тарих сахнасини қузатсак, ҳамма замонларда ҳам ёшликнинг бетакрор хусусиятлари эзгуликка хизмат қилдирилган эмас.

Санаши узоқлашиб бораётган бўлса-да, ҳали юраклардан оғриғи, алами описламаган Иккинчи жаҳон урушида ёшларнинг қанчаси бу қаттол қирғиннинг қурбонига айланади. Турли йилларда жаҳоннинг гоҳ у ер, бу еридаги оғир қурилишлар ҳам баъзан ёшлик номи билан боғланди. Изгириллар, аёзлар ўнлаб-юзлаб навирон авлоднинг ўлкаси, оёғи, яна қайси аъзоларини майиб қилганини ҳам китоблардан ўқиб билганимиз. Ҳа, қайси тузум, қайси сиёсат бу фаслни нотўғри йўлга бошласа, ё унга нописанд бўлса, ўша жойда, албатта, фожеалар, ҳеч бўлмаганда, нохушлиқлар, кўнгилсизликлар содир бўлади. Устидан оғир юк кечавериб, остидаги сувга қапишиб қолган кўприкни кўрганмишсиз? Унинг олдида қор сувга йўл-йўлакай ташланган турли чиқиндиллар келиб йиғилади, йиғилверади, натижада кўприкнинг у тарафини сув оқмайди, балки сиёзлади. Нописанд қаралган, меҳри назардан мосуво яшаган ёшлик ҳам худди шу: жўшиб оқмайди, сизиб, сезилмай яшайди.

Не бахтки, бизнинг ёшларимиз чекига бугун бор кучи билан тошиб, тўқилганиб оқиш бахти тушди. Чунки Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз раҳбари вазифасини адо этишга киришган илк кунлардан оқ ёшлар ҳаётига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор бера бошлади. Уларнинг муаммоларини яширин тутмади, минбарлардан оқнинг оқ, қораннинг қора экани ошкор айтилди. Айниқса, нотўғри йўлларга кириб, кимларгадир алданиб, хорижа кетган ва энди бошини қайси деворга уришини билмай юрган йигитларимиз ҳақидаги: “Бировлар бу фожеадан, йўқ, бундай болалар бизники эмас, биздан эмас,

деб қутулмоқчи бўлади. Улар хато қиладилар. Бу болалар — бизники, уларни биз бу йўллардан қайтармасак, биз уларни тўғри йўлга бошламасак, уларга ҳеч кимнинг жони ачимамайди”, деган мазмундаги гаплари кўнғлида алданган боласи учун умид шамларни ўчган оналарга қайта ёруғлик берганининг гувоҳи бўлганмиз. Бу ёшлар сиёсатидagi биргина йўналиш, холос. Ўқитиш, ўқитиш сифатини яхшилаш, битирганларни касб-кор ўрганишга йўллаш, ёшлар тадбиркорлигига кенг имкониятлар яратиш каби қатор чора-тадбирлар, мана, бир неча йилки, йигит-қизларимизнинг жамиятда катта кучга айланиши учун замин ҳозирламоқда. Ёшларимиз бу имкониятлар самарасини ҳозирдан намоён этмоқдалар.

Кўнларимиз хушхабарлар билан бошланади:

... Бокс бўйича ўз вазида жаҳон чемпиони бўлди...

... Халқаро танловда иштирок этиб, Гран-при билан тақдирланди...

... Бирданига хорижнинг ўн бешта олий ўқув юртига грант асосида қабул қилинди...

... Кинодаги илк дебюти дунёнинг талабчан санъатшунослари тарафиндан эътироф этилди...

... Соҳалар — турлича, аммо ҳаммаси жамиятимизнинг жон томирлари. Исmlар ҳам бошқа-бошқа: Мурод, Нафиса, Фирдавс, Муҳлиса, аммо уларни бир улуглик — миллат номи, Ватан номи бирлаштириб турибди.

— Уч фарзандим, оилам билан кенг, ёруғ уйларида маза қилиб яшаймиш. Бошингда ватанинг бўлса, иш имкониятнинг ҳам кенг булар экан, — дейди Сергелдаги кўп қаватли уйлари билан бирига Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига берилган имтиёз тўғрисида бошлангич



“СОҲАЛАР — ТУРЛИЧА, АММО ҲАММАСИ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЖОН ТОМИРЛАРИ. ИСМЛАР ҲАМ БОШҚА-БОШҚА: МУРОД, НАФИСА, ФИРДАВС, МУХЛИСА, АММО УЛАРНИ БИР УЛУГЛИК — МИЛЛАТ НОМИ, ВАТАН НОМИ БИРЛАШТИРИБ ТУРИБДИ.

тўловларсиз эга бўлган хунарманд Дилноза Нарзуллаева.

— Бизга берилган имкониятлар ўн истеъдоди очилган ёшларнинг ўн биринчи истеъдодини ҳам кашф қилди. Мен техника йўналишида таълим оламан. Айни пайтда “Қизлар овози” клубининг Андижон вилояти етакчисман. Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ қўрилганим, Бегурий номидаги стипендия соҳибаси бўлганим менга жамиятда яна ҳам фаолроқ бўлиш масъулиятини бериб, — дейди Андижон машинасозлик институти талабаси Нигора Абдуму-минова.

Уларни тинглаган сайин кўнғил ўсади, қадим аждодларимиз шўҳрати қайтаётган келажак яқинроқ келгандай бўлади.

Айниқса, яқинда Президентимиз иштирокида ёшлар бандлиги бўйича ўтказилган видеоселекторда қўрилган масалалар ҳозиргача қилган ишларнинг янги бир босқичига, юксак босқичига янги йўл очди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Ёш тадбиркорлар учун солиқдаги имтиёзлар, кредит олиш имкониятининг кенгайгани, ҳатто ёшларни касб-корга ўргатувчилар, йигит-қизларимизга иш бериувчилар учун яратилаётган энгилликлар... Олий ўқув юрти талабаларининг контракт тўловидаги янгиликлар... Бугун сўз, эртага қарор, индинга амалиёт бўладиган бундай яхшиликлар қачон бўлган, яна қайда бор?

Ижарада турадиган талабаларнинг ҳам эътибордан четда қолмагани уйда боласини ўйлаб, рўзгордан сиқиб бўлса-да, унга беш-ўн сўм тугуниб ўтирган оназорларни қанча севинтирди экан, улар фарзандининг ётоқ жойигача ўйлаган Президентимизни қанчалар дуо қилишди экан...

Бу имтиёзлар, бу энгиллик, бу имкониятлар бир-икки одамнинг кўнғилини кўтариб кўядиган шахсий эмас, ёшлар ҳаётида ўсиш, юксалиш палласини бошлайдиган ижтимоий

ҳодисадир. Бу бугун бўлмаса эртага озгинадан бўлса-да, ерга эга бўлган йигитда ҳосил баракасини кўргач, мулкдорликка ҳавас уйғонади, дегани. Тенгдошларининг топиш-тутиши орқасидан келаётган иззат-обрўни эшитгач, хорижда юрган ўғил-қизларимизда ҳам юртга қайтиш истаги уйғонади, дегани...

Ўқиш сифати кўтарилади дегани, илм билан амалиётда ҳам сифат ўзгариши бўлади, дегани. “Касб-корсиз, ишсиз” деган кўнғилларни қабартирадиган сўзлар бизга бегона-лашади, дегани...

Изимиздан келаётганлар учун шу тарзда қўвонар эканмиш, яна ва яна ўз ёшлигимиз хотирга келаверибди. Омон исмли мактабдошимиз бўларди. Тузуқ-куруқ ўқимаган, биров унинг яхши ўқиши учун ҳам бош қотирмаган. “Ҳамма ўқийверса, подани ким боқадим...” руҳида тарбияланган. Ўша йигит уйлибди, касби бўлмагани учун оиласини боқа олмай, чет элларга кетиб, у ёқда ҳам сарсон бўлиб қайтган: “Ҳеч бўлмаса, уриб-сўкиб чет тилини ўргатишса бўлар экан, шундай бўлганда ҳам уйимга ўша тарафлардан иккита нон кўтариб келардим”, дея армон қилган эди.

Бугун бундай армонлар ўрнини мақсадлар олган. Президентимизнинг таълим борасидаги сиёсатига қанот бўлаётган халқ таълими вазирининг ўзи қишлоқларда, мактабларда юрибди. Уртоғи аълочилиги учун шахсан вазирнинг ўзидан олқиш олганини кўрган қайси ёшнинг дилида ўқийшга ҳавас учкунламайди... Шундай онларда тилимизга “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...” деган мисралар келади. Ҳа, айтмоқчи, яна бир асосий гап бор: бу кўнларнинг ҳар лаҳзасини сув, ҳаводай қадрлаш керак. Уйлайманки, узоқ, яқин ўтмишимизни китоблардан ўқиб, кинолардан кўраётган ўғил-қизларимиз бу таъкиднинг моҳиятини яхши англайдилар.



## Тарих саҳифаларидан жой олажак мўътабар маскан

Шуқурилло УМАРОВ,  
Имом Термизий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази директори

Буюк аллома ва муҳаддислар юрти бўлган жаннатмакон ватанимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар каби диний-маърифий соҳани ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Дунё илм-фани тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, ислом динининг мазмун-моҳиятини теран англаш, маърифий ислом асосида “Жаҳолатга қарши — маърифат” шиори билан ҳаракат қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, буюк алломаларимиз номи билан Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир араб олий мадрасаси, Термизда ислом таълим муассасаларининг ташкил этилиши буюк аждодлар меросини ўрганишда муҳим амалий қадам бўлди. Бу маърифат масканлари ва уларнинг фаолият самараларини нафақат юртимиз, балки дунё экспертлари томонидан ҳам муносиб муносиб эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб: “Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмнинг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур”, — деган эди.

Ўтган вақт мобайнида мажмуанинг бутунлай янги лойиҳаси яратилди. Президентимиз хузурида бир неча бор тақдирот қилиниб, у кишининг кўрсатмалари асосида такомиллаштирилди. Гўзал ниятнинг натижаси ўлароқ давлати раҳбари муборак Рамазон кунларидидаги навбатдаги ташрифида Имом Бухорий мажмуасида янги лойиҳа асосида бунёдкорлик ишлари бошланганлигига эътибор қаратиб, “Рамазон ойи — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилишни шу ойда бошлаётганимиз ҳам хайрли, хосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимизда мақсад — исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч”, дея таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Рамазон ойи барака ва меҳр-саховат оиди. Бу ойда қилинган ишларнинг ажр-мукофоти бошқа ойларида кўра кўпайтириб бери-

ладиган фурсат ҳисобланади. Яхши ниятлар билан бошланган бу катта ишшоот буюк муҳаддиснинг мусулмон оламида тутган ҳурмат-эътиборига хос улуг иш бўлади. Бутун дунё аҳли Имом Бухорийнинг юрти бўлган Ўзбекистонга ошқанда, бу маконга келиб, муҳаддислар юртини зиёрат этишни доим ўзига мақсад қилади.

Халқаро конференцияларнинг бирида хорижлик олимлардан бири: “Имом Бухорий маърифати олдида бутун дунё аҳли бирга ҳаракат қилса ҳам, бу буюк муҳаддиснинг ҳадис илми борасида қилган хизматини оқлай олмайди”, деган эди. Буюк муҳаддисга берилган ушбу таърифдан унинг абадий кўним топган масканини обод этиш, мажмуанинг халқаро андозаларга мос меъморчилигини, унинг жозибдорлигини ошириб, дунё аҳлига тараннум этишда муҳим ишга қўл урилди. Бу хайрли ташаббуснинг айна улуг кўнларда бошлангани ҳам рамзий маъно бор. Зеро, қўллаб алломаларимиз асарларининг тасниф этилиши, уни хорижа етказишлари Рамазон ойида амалга оширилгани ёки улар доим рўза ҳолда бўлгани таъкидланади.

Мажмуадаги янги лойиҳа бўйича қурилиш ишларининг шу муборак кунларда бошлангани ҳам улуг аждодларимиз томонидан риоя этиб келинган қоидага мувофиқ келади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Рамазон ойининг олижаноб гоғлари, муқаддас амаллари ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда мустаҳкам замин бўлади”.

Мажмуада бошланган бу хайрли ишларнинг бардавом бўлишини сўраб нуруний оқсоқолларимиз дуо қилдилар. Президентимиз Самарқанд вилоятига ташриф буюрганининг асосий сабаби — бу маконда улуг муҳаддис Имом Бухорийнинг хотираси борлигини қўйидаги таъкидлади: “Президент нега айнан Самарқандга келди, дерсиз. Биз шу улуг айём кунларидида Самарқанд учун режалар тузамиз. Бу ерда улуг бобомиз Имом Бухорий хотираси бор. 600 минг ҳадисни пайда юриб тўплаган. Унинг меросини бутун мусулмон дунёсига тараннум этсак арзийди. Бобомизга муносиб макбаралар, масжидлар қуришни бошлаганимиз. Бу ерга келган мўмин-мусулмонларга шароит яратсак, улар ҳам буюк тарихли давлат эканлигига, шу тарихни элга, айниқса, ёшларга етказишни истаётганимизга гувоҳ бўлади. Ўзимизга ҳам бу ишларимиз инсоф, диёнат, шукроналик ҳиссиётларини беради”.

Дарҳақиқат, бу ишлар улугвор мақсадларни қўзғаб амалга оширилмоқда. Ҳаёти давомиди олти юз минг ҳадис тўплаб, умрининг қирқ йилни илм сафаридида ўтказган муҳаддис ўзининг шох асарини “Саҳих ал-Бухорий” даги биринчи ҳадисда “Албатта амаллар унинг ниятига қараб бўлади” деб таъкидлаган. Бугун давлатимиз раҳбарининг ниятлари чиройли, албатта, бу эзгу ниятларнинг натижаси ҳам бундан-да гўзал бўлади. Бу бутун юртимиз аҳлининг буюк аждодлари олдидаги ворислик бурчи ҳисобланади. Шунингдек, миллатимиз ғурур-ифтихори бўлган буюк муҳаддисга ҳақиқий эҳтиром намунаси бўлиб хизмат қилади. Албатта, бу мажмуанинг қурилиши дунё аҳлини хайратга солади. Амир Темур давридаги муҳташам бинолар каби тарихда қолади.



## АНЖУМАН

## Тадқиқотлар долзарб мавзуларга йўналтирилган

Муножат МЎМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзuida республика илмий-амалий онлайн-конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда диншунослик, тарих, фалсафа, халқаро муносабатлар сингари дунёвий ҳамда Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, тасаввуф, ислом тарихи, манбашунослиги каби диний таълим йўналишлари билан боғлиқ фанларни ривожлантириш юзасидан бажарилган илмий изланишлар натижалари кенг жамоатчиликка таништирилди. “Диншуносликнинг вазифалари ва миллий кадриятларимиз”, “Учинчи Ренессанс даврида диний-маърифий соҳага эътибор”, “Диний экстремизмга қарши курашнинг маънавий-маърифий

асослари”, “Тарбия” фани концепцияси: мақсад ва вазифалар” каби бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар қилинди ва муҳокама этилди.

Тадбир давомида олий таълим муассасаларида диншунослик фанларини ўқитишнинг илмий методологик услублари ҳақида ҳам сўз борди.

— Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2020-2021 ўқув йилидан кредит-модул тизимига ўтди, — дейди мазкур таълим маскани кафедре мудири Маҳфуза Алимова. — Диншунослик фанларининг модул тизими асосида

ўқитилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омилдир. Модулли таълимда энг асосий ургу талабанинг мустақил таълим олишига қаратиллади. Диншунослик фанларини ўқитишда модулга асосланган ўқув дастурлари махсус схема асосида ишлаб чиқилди. Зеро, бугунги пандемия шароити ҳам масофавий таълимни ривожлантиришни талаб этмоқда.

Қувонарлиси шундаки, конференцияга диншунослик, исломшунослик, тарих, фалсафа, дин психологияси каби ижтимоий фанлар йўналишига оид



70 дан ортиқ илмий мақола келиб тушган. Уларда диний бағрикенглик, миллий ва диний кадриятлар уйғунлиги, аждодлар илмий-маънавий мероси-

нинг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ўз ифодасини топган. Бу эса анжуман нуфузининг йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзловлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1329.

79778 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Ҳақиқат усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоши келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова  
Мусаҳҳир: Ойдин Аляутдинова  
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбучтилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 22:05 Топширилди — 23:55